

Қазо тутиш лозим бўладиган, каффорат лозим бўлмайдиган ҳолатлар



20:49 / 11.06.2017 3971

1. Ғизо саналмаган ва ғизо тоифасига кирмайдиган нарсани тановул қилиш. Бунда одатда ғизо саналмайдиган ва инсон таъби ейишга мойил бўлмайдиган нарсалар кўзда тутилган. Мисол учун, рўздорнинг хом гуруч, хамир, бирор нарса аралаштирилмаган ун каби нарсаларни ейиши.
2. Пишмаган мевани ейиш.
3. Тишлари орасида қолган нўхатдан катта нарсани ютиб юбориш.
4. Данак, пахта, қоғоз, тери ейиш.
5. Тош, темир парчаси, тупроқ, тангага ўхшаш нарсаларни ютиб юбориш.
6. Қасддан ичига исирикнинг тутуни каби тутун киритиш.
7. Эркак кишининг орқасидан, бурнидан, томоғидан ва аёл кишининг олдидан сув ёки дори киритилиши.
8. Қулоққа мой томизилса ҳам рўза очилади. Сув томизилса очилмайди.
9. Қасддан оғзи тўлиб қайт қилса ҳам қазо тутилади. Агар беихтиёр, оғзи тўлмайд қайт қилса ёки таом эмас, балғам қайт қилса, рўза очилмайди.

10. Ғизо ва доринини беморлик, сафар, мажбурлаш, адашиш, бепарволик ёки шубҳа каби шаръий узрлар билан тановул қилса, рўза очилиб, қазоси тугилади.
11. Оғиз чайилаётганда беихтиёр ичига сув кетиб қолса, рўза очилади ва қазо тугилади.
12. Бошдаги ёки қориндаги жароҳатга қўйилган дори ичига ёки димоғига кетиб қолиши.
13. Ухлаб ётган одамнинг қорнига сув киритиб юборилса, рўзаси очилади.
14. Аёл киши хизматга ярамай қоламан деб таом еса ҳам рўзаси очилиб, қазосини тутуди.
15. Рўзадорлигини унутган ҳолда таом еса ёки жимоъ қилса, рўзаси очилмайди. Аммо бунинг ҳукмини билмай, «бўлар иш бўлди» деб, яна таом еса ёки жимоъ қилса, қазо рўза тутиб бериш лозим бўлади.
16. Рўза тутишга кечаси эмас, кундузи ният қилиб, кейин «бу ниятим тўғри бўлмаса керак» деган шубҳа билан таом ейилса, рўза очилади ва қазо тутиш вожиб бўлади.
17. «Ҳали тонг отмаган бўлса керак» деб, еб-ичган ёки жимоъ қилган одам тонг отиб бўлганини билиб қолса, рўзасининг қазосини тутуди.
18. «Қуёш ботган бўлса керак» деб, еб-ичган ёки жимоъ қилган одам қуёш ботмаганини билиб қолса, рўзасининг қазосини тутуди.
19. Шаҳватини тўлиқ бўлмаган ҳолда қондирса ҳам фақат қазо тутуди.
20. Қучоқлаш, ўпиш ва шунга ўхшаш ишлар туфайли маний тўкилса, рўзанинг қазоси тугилади.
21. Ухлаб ётган аёлга жинсий яқинлик қилинса, ўша аёл ҳам қазо тутуди.
22. Рўзадор киши орқасига пахта, латта ва шунга ўхшаш нарсаларни киритса ҳам рўзаси очилиб, қазосини тутуди.
23. Рамазон рўзасидан бошқа рўзасини очиб юборган кишига фақат қазо тутиш вожиб бўлади, каффорат вожиб бўлмайди.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(мўминниг қалқони китобидан)